

**22110006070114-сонли лотга**

**22-122-сонли**

**ШАРТНОМА**

Тошкент шаҳри

“20” май 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (бундан буён матнда Буюртмачи деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 февралдаги 146-сон карори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисидаги Низом асосида иш юритувчи вазирнинг биринчи ўринбосари У.Шарифходжаев шахсида, бир томондан ва «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖ, (бундан буён матнда Ижрочи деб юритилади) Устав асосида иш юритувчи директор Т.Т.Мухамадиев шахсида, иккинчи томондан (бундан буён матнда алоҳида қўлланганда Томон ва биргаликда қўлланганда Томонлар деб юритилади) мазкур шартномани тендер комиссиясининг 2022 йил 14 майдаги Умуний ўрта таълим ташкилотлари учун Кэмбридж университети нашриётининг инглиз тили фанидан дарслеклар ва ўкув-методик мажмуналарни харид қилиш бўйича 5-лотга мувофиқ қуидагилар ҳакида тузиши:

### I. Шартноманинг предмети

1.1. Ижрочи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ умумтаълим муассасалари учун мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган дарслеклар, дафтарлар ва ўкув методик қўлланмалар (бундан буён матнда дарслеклар деб юритилади)ни шартноманинг шартлари асосида чоп этиш хизматларини кўрсатиш (бундан буён матнда чоп этиш деб юритилади) мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Ижрочининг ҳисоб-рақамига бажарилган ишлар учун мазкур шартнома шартларига мувофиқ маблағни ўтказиб бериш мажбуриятини олади.

1.2. Мазкур шартномага асосан Ижрочи шартноманинг иловасида келтирилган дарслекларнинг техник тафсилотларига мувофиқ қуидаги дарслекларни чоп этади:

300410860262667096421218001 шахсий газначилик ҳисоб-вараги бўйича:

Т/р	Дарслекларнинг номи	Синфи	Таълим тили	Адади	Бир донасининг нархи ҚҚС билан	Умуний суммаси ҚҚС билан
1	Инглиз тили (дарслик)	3	Барча тиллар	607 312✓	18 512,70	11 242 984 862,40
жами:				607 312		11 242 984 862,40

300410860262777096413218001 шахсий газначилик ҳисоб-вараги бўйича:

Т/р	Дарслекларнинг номи	Синфи	Таълим тили	Адади	Бир донасининг нархи ҚҚС билан	Умуний суммаси ҚҚС билан
1	Инглиз тили (дарслик)	3	Барча тиллар	71 141✓	18 512,70	1 317 011 990,70
жами:				71 141		1 317 011 990,70

### II. Шартноманинг умуний суммаси ва тўлов шартлари

2.1. Мазкур шартноманинг умуний суммаси ҚҚС билан **12 559 996 853,10** (ўн иккита миллиард беш юз эллик тўққиз миллион тўққиз юз тўқсан олти минг саккиз юз эллик уч сўм 10 тийин) сўмга teng (бундан буён матнда шартнома суммаси деб юритилади) шундан, 300410860262667096421218001 шахсий газначилик ҳисоб-вараги бўйича **11 242 984 862,40**

(ўн бир миллиард икки юз қирқ икки миллион тўққиз юз саксон тўрт минг саккиз юз олтмиш икки сўм 40 тийин) сўм, 300410860262777096413218001 шахсий ғазначилик ҳисоб-вараги бўйича **1 317 011 990,70** (бир миллиард уч юз ўн етти миллион ўн бир минг тўққиз юз тўқсон сўм 70 тийин) сўм.

2.2. Шартнома суммаси дарсликларни чоп этиш (оригинал макетдан тайёр маҳсулот - дарслик ҳолатига келтириш) харажатларини ўз ичига олади.

2.3. Буюртмачи шартнома кучга кирган вақтдан бошлаб 30 (ўттиз) календар кун мобайнида ижрочининг банк ҳисоб рақамига шартнома суммасининг 50 (эллик) фоиз микдорини олдиндан тўлаб бериши лозим.

2.4. Шартнома суммасининг қолган қисмини дарсликларни етказиб берувчи ташкилот томонидан мазкур дарсликларни ижрочининг омборидан олиб чиқиб кетгандан сўнг, тақдим этилган ҳисоб-фактура ҳамда топшириш ва қабул қилиш далолатномаларига асосан, аванс тўловларини чегириб қолган ҳолда, 90 (тўқсон) календар кун ичida буюртмачи томонидан ижрочига тўлаб берилади.

2.5. Тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш кафолати сифатида Ижрочи томонидан Буюртмачининг шахсий ғазначилик ҳисобварагига банк кафолати ёки пул маблағлари кўринишида шартнома суммасининг 1 (bir) фоиз микдорида мажбуриятни бажарилишини таъминлаши шарт.

2.6. Ижрочи шартларини тўлиқ бажармаганда, буюртмачи томонидан унга нисбатан мазкур шартномага мувофиқ ҳисобланадиган неустойкалар (жарима, пеня) ижрочини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг умумий суммасидан ушлаб қолинади.

### **III. Ижрочининг хуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **3.1. Ижрочининг хуқуқлари қўйидагилардан иборат:**

3.1.1. Буюртмачидан техник тафсилотларни ўз вақтида олиш, улар юзасидан аниқлаштирувчи маълумотларни сўраб олиш;

3.1.2. Бажарилган ишлар учун ўз вақтида тўловни амалга оширилишини талаб қилиш;

3.1.3. Шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун буюртмачини ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортишни талаб қилиш.

3.1.4. Ижрочи буюртмачи мурожаати ёки бозор иштирокчилари талабларига биноан мазкур шартномада кўрсатилган дарсликларнинг умумий ададига қўшимча равишда 10% гача микдорда ўз ҳисобидан чоп этиши ва бозор нархларида сотиш хуқуқига эга.

#### **3.2. Ижрочининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:**

3.2.1. Дарсликларни мазкур шартноманинг иловаси билан тасдиқланган дарсликларнинг техник тафсилотлари асосида чоп этиш (ижрочи ўзи мустақил равишда шартномада белгиланган ададдан ортиқча чоп этиши тақиқланади);

Бунда, ижрочи оригинал макетларни ўрнатилган тартибда (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги 108-сон қарорларига мувофиқ оригинал макетларни тайёрлашга ваколатли бўлган Республика таълим марказидан ишчи (исходный) файлларини электрон шаклда) олган ҳолда чоп этишга рухсат олиш учун Буюртмачига дарсликларнинг 3 (уч) та рангли сигнал нусхасини тасдиқланган ҳолда топшириш;

*(Изоҳ: Тасдиқлаш – нашрга тайёр бўлган дарсликларнинг оригинал ва таржима макетларини муаллиф(лар), муҳаррир (бош муҳаррир), мусаҳҳиҳ, таржимон, бадиий муҳаррир, бош рассом-дизайнер, техник-муҳаррир, Республика таълим маркази директори ва унинг ўринбосарлари, Республика таълим марказининг нашр ишлари бўйича бўлим бошлиги, тегишили бўлим бошлиқлари ва методист-мутахассислари, экспертлар ҳамда ижрочининг раҳбарлари ва тегишили масъул ходимлари томонидан кўриб чиқилиб, имзолари қўйилган ҳолда тасдиқланаб, чоп этиши учун буюртмачига тақдим этиши.*

Уибу тартибда тасдиқланмаган дарсликларни чоп этиши мумкин **эмас**. Томонлар ўз мутахассисларининг имзоларини қўйилишини таъминлайди.)

3.2.2. Дарсликлар учун ишлатиладиган қоғоз ва бошқа хом-ашёларининг сифати ва унинг дизайни амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари ва меъёрларига жавоб беришини таъминлаш;

3.2.3. Дарсликларни белгиланган (мазкур шартноманинг 5.1.-бандида кўрсатилган) муддат(лар)да тўлиқ чоп этиш.

3.2.4. Дарсликлар матбаа сифатини текшириш бўйича эксперт гурухини тегишли барча маълумотлар билан таъминлаш ва текшириш ўтказишда қатнашиш учун ўз вакилини тайинлаш;

3.2.5. Мазкур шартномага мувофиқ дарсликлар сифатини текшириш бўйича эксперт гурухи томонидан камчиликлари аниқланган дарсликларни шартноманинг иловасида келтирилган техник тафсилотларга тўлиқ жавоб берадиган сифатдаги дарсликларга 15 (ўн беш) иш куни ичida алмаштириш;

3.2.6. Буюртмачи томонидан текширишда аниқланган хато ва камчиликларни тўлиқ тузатиши лозим. Дарсликлардаги аниқланган хато ва камчиликлар тузатилмасдан чоп этилганда, жавобгарлик ижрочи зиммасига юклатилади.

#### **IV. Буюртмачининг ҳукуқ ва мажбуриятлари**

##### **4.1. Буюртмачининг ҳукуқлари қўйидагилардан иборат:**

4.1.1. Шартномани амал қилиш муддатида ижроидан дарсликларни чоп этиш жараёни ҳақида маълумотлар олиш;

4.1.2. Ўз вакиллари орқали ижроининг фаолиятига аралашмаган ҳолда амалга оширилаётган ишларни мониторинг қилиш, чоп этиш жараёнида маҳсулот қисмларининг тайёрланиши бўйича матбаа сифатини назорат қилиш, бу жараёнда камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, ушбу камчилик ва нуқсонларни тузатиш (бартараф этиш) бўйича ижроини ёзма равишида огоҳлантириш;

4.1.3. Ўрнатилган сифат ва техник талабларга мос келмаган дарсликларни қабул қилмаслик, уларни шартномада белгиланган талабларга мувофиқ дарсликларга алмаштиришни талаб қилиш;

4.1.4. Шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун ижроини ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиш.

4.1.5. Буюртмачи Республика бўйича ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан дарсликларни эркин сотиб олиш учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида Ижроига мазкур шартномада кўрсатилган дарсликларнинг умумий ададига қўшимча равишида 10% гача миқдорда ўз хисобидан чоп этиши ва бозор нархларида сотиш юзасидан мурожаат қилиш ҳукуқига эга.

##### **4.2. Буюртмачининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:**

4.2.1. Ижрои томонидан тасдиқлаш учун топширилган дарсликларнинг сигнал намунасини 5 (беш) иш куни мобайнида кўриб чиқиб, ўз фикрини билдириш дарсликларни чоп этишга рухсат бериш ёки тегишли ўзгартиришларни киритишни таклиф этиш);

4.2.2. Ижроининг ёзма хабарномаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази экспертининг шартномада белгиланган дарсликнинг санитария-гигиена талабларига жавоб бериши тўғрисида ижобий хulosани олган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни ичida дарсликлар сифатини текшириш бўйича эксперт гурухини тайёр дарсликлар сифатини текшириш учун юбориш;

4.2.3. Дарсликлар тайёр эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (дарсликлар сифатини текшириш эксперт гурухининг далолатномаси ва ижобий хulosасини) олган кундан бошлаб, 10 (ўн) иш куни ичida ижрои омборхонасидан олиб кетиш чораларини кўриш.

#### **V. Тайёр дарсликларни текшириш, етказиб бериш тартиби ва муддати**

5.1. Ижрои шартномада кўрсатилган дарсликларни шартноманинг 2.3.-бандида кўрсатилган миқдорда олдиндан тўлаб берилгандан сўнг 60 иш кун муддатда тайёрланни шарт.

5.2. Дарсликлар жўнатишга тайёр бўлганда ижрочи буюртмачига тайёр дарсликлар ҳақида тўлиқ ёзма маълумот юбориши ва унда дарсликларнинг номи, адади, таълим тили, шартнома рақами, партия (завод) рақами, 1 дона дарсликнинг оғирлиги (граммда) аниқ кўрсатилиши шарт. Мазкур ёзма маълумот шартноманинг 5.1.-бандида кўрсатилган муддатда, лекин ушбу муддатлар тугашидан камида 3 (уч) иш куни олдин юборилиши шарт.

5.3. Ижроидан ёзма маълумот олинганидан сўнг, буюртмачи дарсликлар сифатини текшириш бўйича эксперт гурухини (кейинги ўринларда эксперт гурухи деб аталади) дарсликларни мазкур шартнома шартларига мослигини текшириш учун юборади.

5.4. Текшириш ижрочи корхонаси ёки омборида ва охирги етказиб берилиши лозим бўлган жойда амалга оширилади.

5.5. Дарсликлар матбаа ижроси талабларига мослиги, уларнинг сифатини текшириш бўйича эксперт гурухи томонидан дарсликларнинг мазкур шартномада белгиланган техник тафсилотлар (техник, дизайн ва спецификация талаблари)га мослиги ҳамда матбаа сифати (босма ва муковалаш) жиҳатдан буюртмачи томонидан қўйилган талабларга жавоб бериш-бермаслигини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 июнданги “Таълим муассасалари учун хавфсиз полиграфия маҳсулотлари ҳақидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш тўғрисида”ги 146-сон қарорига мувофиқ танлаб олиш усули билан текширилади. Танлаб олиш ҳажми, қабул қилишга ва яроқсизликка (брakovkaga) оид сонлар мазкур қарор бўйича аниқланади.

5.6. Эксперт гурухининг 5.5. бандда назарда тутилган текширишлар натижаси эксперт гурухининг маҳсулот сифати ва сонини текшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Далолатномада дарсликларнинг техник тафсилотлари, сифати ва сонига қўйилган талабларга мувофиқлиги акс эттирилади.

5.7. Маҳсулот сифати ва сонини текшириш далолатномасида мазкур шартномада белгиланган техник тафсилотлар, стандарт талабларига мувофиқ эмаслиги, шунингдек бошка камчиликлар қайд этилганда эксперт гурухи ўз хulosасини мазкур далолатномада акс эттириади.

5.8. Эксперт гурухи хulosасига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 146-сон қарори талаблари ҳамда шартноманинг иловасида келтирилган техник тафсилотлар га жавоб бермаган, ижрочи айби билан йўл қўйилган техник, матбаа сифатига доир хато ва нуқсонлар мавжуд бўлган дарсликлар буюртмачи томонидан қабул қилинмайди ва партия кайтарилади.

## **VI. Дарсликларни қабул қилиш тартиби ва дарсликларга**

### **бўлган мутлақ муаллифлик (ноширлик) хукуқларининг буюртмачига ўтиши**


6.1. Дарсликларни қабул қилиш жойлардаги умумтаълим муассасаларида ўрнатилган тартибда тузилган дарсликларни қабул қилиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

6.2. Қабул қилиш комиссияси дарсликларда матбаа сифати орфографик, пунктацон, грамматик, стилистик хатолари бўйича камчилик ва нуқсонлар бўлмаган тақдирда, 3 (уч) кун муддат ичida сифатли дарсликларни топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан қабул қилиши лозим.

6.3. Дарсликларга бўлган мутлақ муаллифлик (ноширлик) хукуқлари буюртмачига ўрнатилган тартибда ўтади.

## **VII. Бутлаш (упаковка) ва тегишли ҳужжатлар тақдим этиши**

7.1. Ижрочи дарсликларни бутлашда мазкур шартномада кўрсатилган бутлаш шартларига тўлиқ амал қилиши шарт. Дарсликларни бутлаш иши амалдаги стандарт талабларга мувофиқ ҳолда бўлиб, уни жойларга етказиш жараёнида (ортиш, тушириш, ташиш) бутланган дарсликлар титилиб кетмаслиги керак. Дарсликлар солинган ўрамларнинг ҳажми ва оғирлиги ташиш ва кўтаришга кулай бўлиши лозим.



7.2. Хар бир ўрамнинг устки қисмида дарсликларнинг номи, адади, таълим тили, синфи, шартнома рақами, партия (завод) рақами, 1 дона дарсликнинг оғирлиги (граммда) тўғрисидаги маълумотлар бўлиши шарт.

### VIII. Кафолатлар

8.1. Ижрочи шартномага мувофик етказиб бераётган дарсликлар амалдаги қонун хужжатлари талаблари ҳамда дарсликларнинг техник тафсилотларида келтирилган барча талабларга тўлиқ жавоб беришини кафолатлади.

8.2. Дарсликлар сифатига бериладиган кафолат муддати умумтаълим муассасасининг ўқувчилари мазкур дарсликлардан фойдаланишни бошлаган санадан 60 (олтмиш) иш кун давомида амал қиласди.

8.3. Буюртмачи кафолат муддати даврида дарсликлардан хато-камчиликлар ёки нуқсонларни топса ижроига ёзма хабар беради.

8.4. Ижрочи буюртмачининг ёзма хабарномасини олгач, 30 (үттиз) календарь кун ичидаги нуқсони бор бўлган дарсликларни ўз хисобидан бошқа худди шундай дарсликларга алмаштиради ва шу ишлар билан боғлик бўлган барча харажатлар (дарсликларни “Транспорт ва логистика хизмати” ДУКнинг Коракалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар филиалларига қадар етказиш ва нуқсони бор бўлган дарсликларни улардан қайтариб олиб келиш)ни ўз хисобидан коплади.

### IX. Форс-мажор ҳолатлари

9.1. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслигига форс-мажор ҳолатлар (форс-мажор ҳолатлари - томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курсоқчилик, ёнгин, сув тошқини, эпидемия, карантин ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, фуқаро тартибсизликлари, эмбарго ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга кабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар) сабаб бўлса жавобгарликдан озод қилинадилар.

9.2. Агар форс-мажор ҳолатлари пайдо бўлса томонлар бир-бирларини ўз вақтида ёзма равиша ушбу ҳолатлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида форс-мажор ҳолатлар пайдо бўлган кундан бошлаб 3 (уч) календарь кун ичидаги огоҳ қилишлари шарт. Томонлар бир-бирларига ёзма хабарнома юбориб, шартнома шартларини бажаришнинг бошқа усусларини қидириб, форс-мажор ҳолати тўсқинлик қилмаётган мажбуриятларни бажаришда давом этадилар.

### X. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

10.1. Томонлар шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабатлар юзасидан куйидагиларни кафолатладилар:

- қонунга хилоф равиша пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини;
- шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини;
- моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

10.2. Томонлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва томонлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги харакатлари содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

10.3. Томонлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги харакатлари бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

- назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштирувани амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равиша тижорат ёки бошқа турдаги устунликка эга болиш ёки саклаб

қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

• - қонунга хилоф равиша олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиной фаолиятдан олинган даромад эканлиги томонларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чикишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усули, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик хукукларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

• - коррупцияга оид ҳукуқбузарлик содир қилиш учун тамагирлик қилиш, ундаш, тазиик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир томон иккинчи томонни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

10.4. Томонлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазиик ўтказилмаслигини кафолатлади.

10.5. Агар бир томонга бошқа томоннинг коррупцияга қарши қўшимча шартларга оид белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи томонни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши, шунингдек ушбу томондан маълум муддат ичida тегишли чоралар кўрилиши ва амалга оширилган ишлар юзасидан уни хабардор этишини талаб қилиши шарт. Томоннинг бу талаби иккинчи томон томонидан бажарилмаган тақдирда, ушбу томон шартномани бир томонлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда заарни тўлик қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## XI. Эътиrozлар ва томонларнинг мулкий жавобгарлиги

11.1. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилган ижрочининг мажбуриятлари ва кафолатларига тегишли бўлган ҳар қандай эътиrozларни ижрочига ёзма равиша бериши керак.

11.2. Агар ижрочи дарсликларнинг талабга жавоб бермаслиги ҳақидаги хабарномани олгандан сўнг уни бошқаси билан алмаштиришни ўз вақтида амалга оширмаса, буюртмачи ижрочини ўрнатилган тартибда мулкий жавобгарликка тортиш хукукига эга.

11.3. Ижрочи мазкур шартноманинг 5.1.-бандида кўрсатилган муддатларда чоп эта олмаса ҳар бир кечиктирилган кун учун чоп этилмаган дарсликлар қийматидан 0,4 (ноль бутун ўндан тўрт) фоиз миқдорида буюртмачига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси чоп этиб берилмаган дарсликлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

11.4. Буюртмачи чоп этиб берилган китоблар учун ўз вақтида тўловни амалга оширмаган ҳолларда ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган сумманинг 0,4 (ноль бутун ўндан тўрт) фоизи, лекин кечиктирилган тўловнинг 50 (эллик) фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

11.5. Ижрочи дарсликларда мазкур шартноманинг 3.2-бандида белгиланган талабларнинг биронтасини бузилишига йўл қўйса, шу хатоларни тузатишга кетадиган харажат қийматини тўлик қоплайди ва буюртмачи ижроидан етказилган заарнинг 20 фоизигача жарима ундириб олишга, агар дарсликлар ҳаки тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

11.6. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Конунига асосан тартибга солинади.

## XII. Шартномани бекор қилиш

12.1. Шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки бекор қилиш факат томонларнинг ўзаро келишувига асосан ёзма шаклда амалга оширилади.

12.2. Қўйидаги ҳолатларда томонлар ўз мажбуриятларини қўпол равиша бузган хисобланади:

12.2.1. Мажбуриятларининг бажарилишини мазкур шартномада белгиланган муддатлардан кечиктирган ҳолда бажарса;

12.2.2. Томонлар ёки томон ўзининг мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларидан бирортасини бажара олмаса.

12.2.3. Шартноманинг 10.5.-бандида кўрсатилган шартлар бузилса шартнома бекор килинади.

12.3. Агар ижрочи банкротликка юз тутса, буортмачи исталган вақтда ижроига ёзма хабар бериш орқали шартномани бекор қилиши мумкин ва ушбу ҳолатда буортмачи ижрочининг кўрган зиёнини тўламайди.

### XIII. Низоларни ҳал қилиш тартиби

13.1. Мазкур шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар, энг аввало, томонларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

13.2. Агар ўзаро тушунмовчиликлар бошланган бўлиб, масаланинг ечими топилмаса, буортмачи ёки ижрочи Ўзбекистон Республикаси қонунларидан келиб чиқиб, Иқтисодий судга мурожаат этишга ҳакли бўлади.

### XIV. Якуний қоидалар

14.1. Мазкур шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш фақатгина томонларнинг розилиги билан уларнинг тегишли ваколатли шахслари қўшимча келишувга имзо қўйган тақдирдагина мумкин бўлади.

14.2. Мазкур шартнома томонларнинг ваколатли шахслари имзолаган, Молия вазирлиги газначилиги рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади.

14.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, ҳар иккаласи бир хил юридик кучга эга.

### XV. Шартномага илова хужжатлар

15.1. Мазкур шартномага илова этилган хужжатлар унинг ажралмас қисми хисобланади.

15.2. Шартномага дарсликларнинг техник тафсилотлари илова этилади.

### XVI. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари

#### Буортмачи:

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлиги

#### Ижрочи:

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи  
МЧЖ,

100017. Тошкент ш., Навоий кўчаси, 2а-уй.  
Молия вазирлиги Газначилиги  
х/р 23 402 000 300 100 001 010  
ХККМ Марказий банк Бош бошқармаси  
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919  
ш/хр 3004 10 860 26 266 7096 421 218 001  
ш/хр 3004 10 860 26 277 7096 413 218 001  
ИНН: 201 122 808

100011, Тошкент шаҳари,  
Навоий кўчаси, 30-уй

х/р-2021 0000 1043 4735 5003  
ОПЕРУ АҚБ "Капитал банк"  
МФО-00974, ИНН-205188294  
ОКЭД-18120. Тел: 244-34-01



У.Шарифходжаев

Юрист  
М.Мирсаидов



Директор

Т.Т.Мухамадиев

М.Мирсаидов  
Т.Т.Мухамадиев

Дарсликлар, дафтарлар ва ўқув-методик мажмуаларни

чоп этиш түгрисидаги

22-122-сонли шартномага

ПЛОВА

Дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг техник тафсилотлари

T/р	Дарслик ва ўқув-методик мажмуанинг номи	Синфи	Мажмуанинг номи	Таълим тили	Бичими	Мукова ранги	Матн ранги	Ҳажми (бети)	Мукова учун ишлатиладиган көзоз	Матн учун ишлатиладиган көзоз	Шаффоғ әмаслиги	Муковалаш усули	Адали
I	Инглиз тили	3	дарслик	Барча тиллар	22,5x30,0 (60x90 1/8)	4 + 0	4 + 4	108	Оғирлиги 190 g/m <sup>2</sup> ли мукова көзози (целлюлоза картони)дан юмшок мукова ишланади ва полиэтилен пленка билан ламирланади.	Оғирлиги 70,0±3,0 граммлик. оқлиги 84%дан кам бўлмаган оғиз көзоз турларидан фойдаланилади.	84% дан кам бўлмаган	Камида 5 та чок билан тикилган китобининг босма тобоклари ўзаро бирлаштирилади, корешок хосил килиниб, 2 томони биговкалари тўлиқ муковага елимланади. Мукованинг орка ва олд томонларидан 5-6 миллиметри биговка ташланади. Китоб уч томонидан тўғри ва текис киркилади.	678 453
<b>Жами</b>													<b>678 453</b>

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлиги



Вазирнинг  
биринчи  
ўринбосари

У.Шарифходжаев

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйин МЧЖ



Директор

Т.Мухамадиев